



227

13 у.г. "6" ноябр № 1167-к.

Сamarqand t-p Самарканд

Фуқаро Мухамадкулов Сунатиллога кир совун ишлаб чикариш цехи куриш учун 0,09 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 04 октябрдаги 123-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 24 сентябрдаги 936-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Мухамадкулов Сунатиллонинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 04 октябрдаги 123-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мухамадкулов Сунатиллога кир совун ишлаб чикариш цехи куриш учун тумандаги «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ «Тулистон-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 488-контуридан жами 0,09 га (шундан: 0,09 га туман захирасидаги 36-балл бонитетли мелиоратив курилиш ҳолатидаги ерлар ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорининг 1-иловасига асосан кир совун ишлаб чикариш цехи куриш учун ажратилаётган 0,09 га 36 бал-бонитетли мелиоратив курилиш ҳолатидаги ер майдони учун 1 812 002 сўм пул миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси фуқаро Мухамадкулов Сунатиллога юклатилсин.

4. Кир совун ишлаб чикариш цехи куришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Мухамадкулов Сунатиллога топширилсин.

5. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси»дан сўралсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев